МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган✸ 2013 йил 23 февраль. Шанба №16 (876)✸ www.mahallagzt.uz✸ info@mahallagzt.uz

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## ЙИҒИН ВАКОЛАТЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

**Президентимиз раҳнамолигида «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва мавқеи тобора ортиб бораётир.**

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун лойиҳалари тайёрланди. Айни пайтда мазкур қонун лойиҳалари Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Бугун мамлакатимизда фаолият юритаётган 10 мингга яқин фуқаролар йиғинлари жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, барқарорлик, аҳиллик, бағрикенглик муҳитини барқарорлаштириш, ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш ва оилаларни мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш, миллий қадриятларни эъзозлашдек эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишнинг муҳим институтларидан биридир. Сўнгги йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатларида мазкур йўналиш бўйича фуқаролар йиғинларига берилган кўплаб ваколатлар туфайли мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат бошқаруви органлари устидан жамоатчилик назорати амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалланинг вазифаларини кенгайтириш жараёнларини қонунчилик йўли билан янада мустаҳкамлаш ҳамда унинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан яқин ҳамкорлигини таъминлаш масалалари жиддий эътиборни талаб қилади.

> [2]

МАҲАЛЛА: БУГУН ВА ЭРТАГА

## ОБОД ЮРТДАН ФАЙЗ-БАРАКА АРИМАЙДИ

**Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ҳудудларда санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ишларини ташкил қилишда фуқаролар йиғинлари ҳамда милиция таянч пунктларининг ҳамкорликдаги фаолияти муҳим аҳамиятга эга.**



Шу боис, эндиликда Бухоро вилоятидаги фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда профилактика инспекторлари ўртасида аниқ мақсадли тизим йўлга қўйилиб, ободонлаштириш ва жамоат тартибини сақлашда амалга ошириладиган ишлар бўйича чора-тадбирлар дастури тузилди.

Пешку туманидаги «Пешку» маҳалла фуқаролар йиғинида мазкур ҳамкорлик доирасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Чунончи, йиғин раиси ҳамда профилактика инспектори ҳудуддаги мавжуд 1726 хонадоннинг ҳар бирига ташриф буюриб, аҳолининг турмуш тарзи, яшаш шароити, ободончилик, томорқалардан унумли фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан яқиндан танишмоқда.

> [3]

МАҲАЛЛА — КЎП МИЛЛАТЛИ АҲИЛ ОИЛА

## БАРДАВОМ АНЪАНАЛАР ЭЗГУЛИК БИЛАН ГЎЗАЛ

**Бугунги кунда юртимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари тинч-тотув, фаровон ҳаёт кечиришмоқда. Улар шу заминни она-Ватан деб билиб, мамлакатимиз равнақи йўлида ҳамжиҳатликда меҳнат қилишаётир.**



Буни биргина Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги Юнғичқоли қишлоқ фуқаролар йиғини мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Маҳаллада турли миллат вакиллари бўлишган уйғур, қозоқ, чуваш, бошқирд, татар, дунган, қирғиз, венгер, корейс, рус ва ўзбеклар аҳил-иноқликда яшаб келаётир. Жами 9700 нафар аҳолининг қарийб 1200 нафарга яқини корейслардир.

Ўзбек ва корейс миллатлари ўртасидаги ўзаро меҳр-оқибат, дўст-биродарлик ришталари мустаҳкам боғланган. Бағрикенглик маънавий дунёқарашнинг бир-бирига яқинлиги бу икки халққа хос фазилатдир.

— Корейсларнинг урф-одат ва байрамларини кўрсангиз, уларнинг аждодлари билан ота-боболаримиз жуда қадимдан яқин муносабатда бўлишган, деган фикрга келасиз, — дейди йиғин масъул котиби Убайдулла Ҳусанбоев. — Бунинг боиси, корейс халқининг миллий байрами — Солларни ўзимизнинг Наврўзга, Чусокни Ҳосил байрамлари, жумладан, қовун сайлига, Хансикни эса Ҳайит айёмига қиёслаш мумкин. Халқимиз қуёш тақвимига кўра, Наврўз келиши билан янги йилни кутиб олиб, табиатнинг уйғонишини кўтаринки руҳда нишонласа, корейслар Солларни ой тақвими билан белгилаб, наботот дунёсининг яшариши — янги йил сифатида байрам қилишади. Яқинда бу байрам йиғин фаоллари, мутасаддилар билан биргаликда нишонланди.

> [2]

# ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ




**Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни янада мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг ҳиссаси катта.**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказиб келинаётган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови соҳадаги илғор тажриба ва ютуқларни ўрганиш, тарғиб этиш, милиция таянч пунктлари инфратузилмаси ва фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилаётир.

«Туркистон» саройида мазкур анъанавий танловнинг 2012 йил натижалари бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б.Матлюбов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, аҳоли хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлаш борасида изчил ишлар олиб борилаётганини таъкидлади. Жамиятнинг муҳим бўғини — маҳаллаларда ўзаро меҳр-оқибат муҳити қарор топиб, аҳолининг тадбиркорлик ва бунёдкорлик салоҳияти рўёбга чиқмоқда, ёшларимиз турли соҳаларда юқори натижаларга эришмоқда.

Профилактика инспектори, маҳалла оқсоқоли ва посбонлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, хотин-қизлар кенгаши, яраштириш комиссиясининг ўзаро ҳамкорликда фаолият юритаётгани бунда муҳим омил бўлаётир. 2012 йилда эса 2 минг 331 маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмагани бунинг далилидир.

> [2]

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

## ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР КЎМАГИ АСҚОТМОҚДА



**«Марказобод» маҳалласи Тўрткўлнинг қоқ марказида жойлашган. Унинг бошқа йиғинлардан ажралиб турадиган бир жиҳати шундаки, бу маҳаллада аҳоли бобомерос ҳунарларини ўғил-қизларига ўргатишни бурчи санайди.**

Йиғин фаоллари кўмагида улар фарзандларнинг қайси ҳунарларга майли борлигини болалигидан синчков кузатиб, сўнг уларни муайян касбга йўналтиришга одатланишган. Шу боисданми, ҳудудда ишсизлик муаммоси деярли барҳам топган.

— Маҳалламизда аҳоли бандлигини таъминлашда ҳунармандларнинг хизматлари катта, — дейди «Марказобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нурмуҳаммад Ниязимбетов. — Кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзлар соҳанинг жадал ривожланишида асқотмоқда. Айнан тадбиркорлик ортидан ўтган йили маҳалламизда 22 та янги иш ўрни ташкил этилгани бунга далил. Ҳозирги кунда 7 нафар ҳунарманд нафақат тадбиркорлиги билан эл корига яраяпти, балки марказободлик 34 нафар ёшнинг ҳунар сирларини ўрганишига ҳам кўмак бераётир. Бундан ташқари, аҳолимиз томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, парранда боқиш орқали ҳам қўшимча даромад топишнинг ҳадисини олган.

Дарҳақиқат, маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишарканмиз, раиснинг гапларида жон борлигига амин бўлдик.

> [3]

ЭЪТИРОФ

## «БУ ЮРТ МЕНГА ҚАДРДОН БЎЛИБ ҚОЛДИ»

**Улуғ алломалар Ватани қадим ва навқирон Ўзбекистонни кўриш, ўзбек халқини яқиндан билиш истаги мени сафарга отлантирди. Саёҳатимни Тошкентдан бошладим ва Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарларида бўлдим. Бу ердаги шаҳарсозлик дунёнинг бирор жойида такрорланмайди, назаримда.**

Бу мамлакат фуқароларининг аждодларидан қолган моддий ва маънавий меросга бўлган ҳурмат-эътибори мени Қорақалпоғистон даштларига бошлаб келди. Сўнгра кўп асрли афсоналардан сўзлаётган Тупроққалъа ва Аёзқалъа билан яқиндан танишдим. Хусусан, Нукус давлат санъат музейидаги ноёб экспонатлар, Қорақалпоғистоннинг безакли амалий санъатини, қадимги Хоразм археологик иншоотларини кўздан кечирдим.

Саёҳатим давомида мутахассислар ва жаҳон матбуоти вакилларининг бу музейдаги тўпламлар ҳақида «Осиё минтақасидаги энг яхши бадиий тўплам», деб берган юксак баҳолари ростлигига ишонч ҳосил қилдим.

Юртингизнинг қайси воҳаси, водийсига бормай, қаерга қарамай, ободонликни кўрдим. Замонавий, кўркам ва чиройли иморатлар, ораста ҳовлилар, озода кўчалар, равон йўллар, бир-биридан чиройли овулларда яшаётган инсонларга ҳавасим келди.

Бу замин одамларининг бошқалардан яққол ажратиб турадиган, керак бўлса, ибрат қилиб кўрсатишга арзийдиган ўзига хос миллий маданияти, такрорланмас қадриятлари мени ўзига мафтун этди.

Қишнинг совуқ кунларига қарамай, бозорлар расталари мева, савзаботларга тўлалиги кўрган кўзни қувнатади. Бу фаровонлик ва тўкинликнинг бош сабаби Юртбошингиз раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона сиёсат ва кишилардаги ўзаро самимий меҳр-оқибатдир.

Мамлакатингизда мени ҳайратга солган яна бир жиҳат шуки, бу ерда фарзандлар тарбияси, илм олиши, ҳунар эгаллашига фақат ота-она эмас, балки давлат ва нодавлат ташкилотлари, хусусан, жаҳондаги ноёб тизим — маҳалла институтининг иштирокини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмас экан.



Ўзбекистон бўйлаб сафаримдан яхши таассуротлар, олам-олам янгиликлар билан ватанимга қайтаяпман. Қорақалпоғистонда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорликлардан таъсирланиб, турли миллат вакилларининг урф-одатлари, удумлари, халқ амалий санъати мавзусида «Янги ипак йўли» номли фильмни суратга олдим. Насиб қилса, бу юртга яна келаман. Чунки бу ўлка менга қадрдон бўлиб қолганини сафарим якунида ҳис қилдим.

**Петер КИСЛИНГ,**
**швейцариялик репортёр,**
**Марказий Осиё бўйича эксперт.**




## РЕСПУБЛИКАМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИДА

**НАМАНГАН**

Вилоят мудофаа ишлари бошқармасида Президент Ислом Каримовнинг 2012 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги қарори асосида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтаётган йигитларни кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаоллари, фахрийлар, ота-оналар ҳамда ёшлар иштирок этди.

**СУРХОНДАРЁ**

Вилоятда «Ҳашар — Сурхон ёшларига ярашар!» шиори остида маҳалла ва кўчаларни ободонлаштириш, «Ҳар бир ёшга бир кўчат» ташаббуси билан шаҳар ва қишлоқларда мевали-манзарали ва гул кўчатлари ўтқазиш ишлари бошлаб юборилди. Кўкаламзорлаштириш ойлигини юқори савияда ўтказиш учун вилоят ўрмон хўжалиги ишчилари уч миллион донага яқин 30 турдаги турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари тайёрлади. Мавсумнинг дастлабки кунларида Термиз шаҳри ва туманига қарийб 15 минг туп турли дарахт кўчатлари етказиб берилди.

**ФАРҒОНА**

Тошлоқ туманида қишлоқ хотин-қизларининг иқтисодий билимларини ошириш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. «Фурқат», «Конизар», «Теракгаги» маҳаллаларида истиқомат қилаётган ҳунарманд аёллар учун семинарлар ташкил этилди. Ўтган йилда «Микрокредитбанк» орқали 52 нафар аёлга имтиёзли кредитлар ажратилди. Давра суҳбатида ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган хотин-қизларга мутахассислар томонидан тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар олиш масалалари бўйича батафсил маълумотлар берилди.

**БУХОРО**

Шаҳардаги барча маҳаллаларда меҳнат ярмаркалари бўлиб ўтди. Бевосита аҳоли истиқомат қилиш жойларида ташкил этилган ярмаркаларда 79 корхона, ташкилот ва муассаса бўш иш ўринлари билан иштирок этди. 58 фуқарога ҳисобчи, боғбон, стоматолог-техник, тарбиячи сингари мутахассисликлар бўйича ишга жойлашиш учун йўлланма берилди. 250 фуқаро меҳнат қонунчилигига доир ҳуқуқий маслаҳат ва тавсиялар олди.

**ЖИЗЗАХ**

Фориш туманидаги Октом, Янгиобод қишлоқларида Обод турмуш йилига бағишлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги қишлоқ аёллари, касб-ҳунар коллежларини битирган қизлар учун семинарлар ташкил этилди. Иштирокчилар мамлакатимизда кичик бизнес ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар тўғрисида атрофлича маълумот, маслаҳат ва тавсиялар олишди.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# ЙИҒИН ВАКОЛАТЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ



< [1]

Таъкидлаш жоизки, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасида асосий эътибор аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни амалга оширишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини кучайтиришга, уларнинг жамоатчилик назорати соҳасидаги вазифаларини янада кенгайтиришга, маҳаллани хусусий тадбиркорлик, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантиришга қаратилгандир.

Хусусан, тегишли ҳудудда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қўшимча ваколатлар бериш назарда тутилмоқда. Шунингдек, фуқаролар йиғинларининг тегишли маслаҳат марказларини ташкил этиш бўйича ваколатларга эга бўлиши назарда тутилган бўлиб, бу маслаҳат марказлари тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни истовчиларни ўқитиш бўйича қисқа муддатли курслар очиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларини мавжуд имтиёзлар ва бериладиган афзалликлар ҳақида хабардор қилиш, ёшларни ишга жойлаштириш каби чора-тадбирларни амалга ошириши мумкинлиги белгиланмоқда.

Айтиш керакки, қонун лойиҳасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг экологик вазиятни яхшилашга оид ваколатларини кенгайтиришга доир меъёрлар ҳам кўзда тутилмоқда. Унинг қабул қилиниши натижасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, санитария ҳолати ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ҳудудларда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилади. Шунингдек, қонунлар ва бошқа ҳужжатларнинг ижроси, иморатлар қуриш, ён-атрофни ораста сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати амалга оширилади, ҳудудларнинг комплекс ривожланишини таъминлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар режалари тасдиқланади. Қолаверса, улар ҳашар асосида ободонлаштириш тадбирларини уюштиради.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун лойиҳасида эса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш бўйича оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланиши ҳамда фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг роли оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирлар назарда тутилмоқда.

Хусусан, фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш масалаларида ҳокимиятнинг вакиллик органлари, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг роли ва масъулиятини янада ошириш назарда тутилмоқда. Яъни сайловни ўтказиш муддатларини белгилашга масъул орган сифатида Олий Мажлис Сенати Кенгаши белгиланмоқда. Ушбу сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи таркибига тегишли туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари киритилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасига сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун бевосита масъул бўлган органларнинг ваколатларини аниқлаштириш, улар ўртасидаги ўзаро алоқани ўрнатган ҳолда ваколатларини чегаралаш ҳамда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) номзодига қўйиладиган талабларни янада кучайтириш билан боғлиқ нормалар киритилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини амалга оширишнинг ошкоралигини кучайтириш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тизимини янада такомиллаштириш ва демократлаштириш ҳамда сайловларни ўтказиш сифатини оширишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Мухтасар айтганда, маҳалла халқчил бошқарув идораси сифатида ҳаётимизга янада чуқур кириб бормоқда. Бу эса, бош мақсадимиз — қонун устувор бўлган эркин фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

**Феруза ОМОНОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# АКАДЕМИК НИНА ВЛАСОВА



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Ботаника соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Нина Александровна Власова 83 ёшида вафот этди.

Н.Власова 1930 йили деҳқон оиласида туғилди. 1951 йили Ўрта Осиё давлат университетини тугатиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қишлоқ хўжалиги (ҳозирги Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси) институти лаборанти вазифасида иш бошлади. Кейинчалик ушбу институт аспирантурасида таҳсил олиб, 1969 йилда номзодлик, 1976 йилда эса докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2000 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг 60 йилдан ортиқ илмий фаолияти давомида Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида катта илмий ходим, лаборатория мудири, бош илмий ходим лавозимларида самарали меҳнат қилди ва юртимизда ботаника фани соҳасидаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди. Айниқса, унинг ўсимликлар эмбриологияси, цитологияси ва анатомияси, ғўза уруғчилигининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган мақола ва рисолалари кенг жамоатчиликка яхши маълум.

Жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган заҳматкаш олимнинг бевосита раҳбарлигида ундан ортиқ фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Нина Власованинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ, Д.ТОШМУҲАМЕДОВА, Ш.МИРЗИЁЕВ, Ш.СОЛИҲОВ, Ж.МУСАЕВ.**

# ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

< [1]

Мамлакатимиздаги мавжуд 3558 милиция таянч пунктининг 71 фоизи атрофида факультатив тўгараклар, 73 фоизининг яқинида кичик бизнес шохобчалари ҳамда 85 фоизининг ёнида замонавий жиҳозланган спорт майдончалари фаолият юритмоқда. Бу вояга етмаганларни назорат қилиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилаётир.

«Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг якуний босқичида 14 милиция таянч пункти иштирок этди. Самарқанд вилояти Оқдарё тумани «Пўлатдархон» маҳалла фуқаролар йиғинидаги 188-милиция таянч пункти, Наманган вилояти Учқўрғон тумани «Янгиер» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 8-милиция таянч пункти, Бухоро шаҳридаги Абдухолиқ Ғиждувоний маҳалласи 35-милиция таянч пункти, Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани «Пичоқчи» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 192-милиция таянч пункти биринчи ўринга лойиқ топилди. Ғолибларга «Matiz» автомашиналари топширилди.

— Пунктимизнинг янги биноси қад ростлаб, унда фаолиятимиз учун зарур барча шарт-шароит яратилди, — дейди Оқдарё тумани «Пўлатдархон» маҳалласидаги 188-милиция таянч пункти профилактика инспектори, майор Абдусобир Ботиров. — Аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш борасидаги изчил ишлар самарасида маҳалламизда кейинги йилларда бирорта ҳам жиноят қайд этилмади. Ҳунармандларимиз ятатаётган буюмлар, қизларимиз тўқиётган гилам ва газламалар бозорларимизни тўлдирмоқда, спортчи ёшларимиз чемпионлар сафидан жой олмоқда.

Танловда иккинчи ва учинчи ўринлардан ташқари «Энг маҳоратли профилактика инспектори», «Энг обод ва осойишта маҳалла раиси», «Фидойи маҳалла посбони», «Маърифатпарвар маслаҳатчи», «Энг фаол хотин-қизлар қўмитаси раиси», «Адолатли яраштириш комиссияси», «Баркамол авлод етакчиси» каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**



ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

# ЯХШИЛИКНИНГ АЪЛОСИ МЕҲР ВА МУРУВВАТДА



**Яхшиликнинг аълоси — меҳр-мурувват кўрсатиш. Ёрдамга муҳтож, боқувчисини йўқотган оилаларга ғамхўрлик қилиш эса, ана шу эзгуликларнинг энг улуғидир. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон шаҳар бўлинмаси аъзолари буни яхши билишади, ўз фаолиятида ҳам мурувват кўрсатишга алоҳида эътибор қаратишади.**

Фонд бўлинмаси шаҳардаги мавжуд 74 та маҳалла фуқаролар йиғинининг кам таъминланган оилаларини ижтимоий ҳимоялаш ишларини йўлга қўйишда доимо кўмаклашиб, уларни услубий, ҳуқуқий, маърифий қўлланмалар билан таъминлаб келмоқда. Бу масалада муайян тажриба тўплаган маҳаллаларнинг ибратли ишлари оммалаштириляпти. Мазкур жараёнда ҳомийлар ҳам хайрихоҳлик кўрсатаётгани қувонарлидир.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йил мобайнида шаҳардаги «Бирлашган», «Жумабозор», «Бўстон», «Боғишамол», «Пистамозор», «Кенгаш» маҳаллаларининг белгиланган режа асосида фаолият юриттани ва уларнинг ижроси Фонд томонидан қўллаб-қувватлангани яхши самара берди. Аниқроғи, ҳомийлар сафи кенгайди, уларнинг сармоялари янги иш ўринларини яратиш, гузарларни ободонлаштириш, ёлғиз қарияларнинг яшаш шароитларини яхшилаш ҳамда сиҳат-саломатликларини мустаҳкамлашга йўналтирилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлинмаси Мустаҳкам оила йилида 278 та кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилага 46 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам ажратди. Ҳомийлар ҳисобидан 11 та хонадонга соғин сигир олиб берилди.

Шаҳар ҳудудида истиқомат қилаётган ёлғиз кексалар, ногиронлар, беморлар ҳам Фонд бўлинмасининг меҳр-мурувватидан баҳраманд бўлгани аҳолини мамнун этди. Мисол учун, «Андижон» маҳалла фуқаролар йиғинидан Т.Алиматова ҳамда «Ўзбекистон» маҳалласидан М.Мамадолимова моддий ёрдам сўраб йиғинларга мурожаат қилишган. Маҳалла фаоллари саъй-ҳаракати билан ҳудуддаги ҳомийлар томонидан ушбу фуқароларга мурувват ёрдамлари кўрсатилди. Шунингдек, «Маориф» ва «Деҳқонобод» маҳаллалари фуқаролари Ё.Карвонова ҳамда М.Райимжонованинг турар-жойлари ҳомийлар маблағи эвазига таъмирланди.

Бугунги кунда нафақат ижтимоий ҳимояга муҳтожлар, балки эл-юрт маъмурчилиги, Ватан тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиб, бугун фахрийлар қаторидан ўрин олган табаррук отахон ва онахонлар ҳам Фонд эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Шаҳардаги 60 га яқин Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 540 нафардан зиёд меҳнат фронти фахрийларига ҳам ҳомийлар ва тадбиркорлар бириктириб қўйилган. Бу эса, чиндан ҳам ёши улуғларимиз ҳамиша эл-юрт ва маҳалла ардоғида, тинч ва фаровон умргузаронлик қилаётганидан далолат.

— Қисқа вақт ичида, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон шаҳар бўлинмаси раиси Н.Мамажонов, — 154 та кам таъминланган оиланинг 4400 квадрат метр турар-жойи таъмирлаб берилди. Шунингдек, аҳоли яшаш пунктларидаги йўллар равонлаштирилди, кўплаб болалар майдончалари барпо этилди.

Ҳомийлар ёрдами фақат кам таъминланганларга эмас, шунинг баробарида, эндигина мустақил ҳаётга қадам қўйган ёшларга, ўзларининг никоҳ тўйларини ўтказишни режалаштираётган келин-куёвларга ҳам йўналтирилмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинлари ёрдами билан 22 та ёш оилага истеъмол кредитлари расмийлаштирилиб, 125 миллион сўм маблағ ажратилди.

«Балиқ берма, қармоқ бер», деган нақлга амал қилган «Маҳалла» хайрия жамоат фонди 44 нафар коллеж битирувчисини муқим иш билан таъминлади. Яна 35 нафар ёшнинг касбий малакаси оширилиб, улар ҳам ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилди. Маҳаллалардаги ҳунармандларга кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари шогирдликка бириктирилди. Бу тадбир, айтиш мумкинки, ҳар жиҳатдан ўзини оқлади: вояга етмаганларнинг нотўғри йўлларга кириб қолишининг олди олинди, улар қалбида ҳунар ўрганишга, ҳалол меҳнатга рағбат уйғонди.

Бир сўз билан айтганда, ижтимоий ҳимоя масаласи «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон шаҳар бўлинмаси ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятидаги устувор вазифа бўлиб, маҳаллада тинчлик-осойишталик ва обод турмуш тарзини таъминламоқда.

**Абдумутал АБДУЛЛАЕВ**
**«Mahalla»**

МАҲАЛЛА — КЎП МИЛЛАТЛИ АҲИЛ ОИЛА

# БАРДАВОМ АНЪАНАЛАР ЭЗГУЛИК БИЛАН ГЎЗАЛ

< [1]

Байрам арафасида фуқаролар йиғини мутасаддилари ва корейс маданият маркази ходимлари биргаликда маҳаллада истиқомат қилувчи нуронийларни зиёрат қилди, жисмоний имконияти чекланганлар ва беморлар ҳолидан хабар олди, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига ҳадялар улашди. Шу боис, Соллар маҳаллада яшовчи барча миллат вакилларининг байрамига айланди. Бу айём қалбларга эзгулик уруғини сочди, дилларга қувонч, хонадонларга хуррамлик олиб кирди.

— Ҳозирда мамлакатимизда 200 мингга яқин корейс миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилмоқда, — дейди Корейс маданият марказлари уюшмаси раҳбари Виктор Николаевич Пак. — Уюшма республикамиздаги 28 та корейс маданият марказини бирлаштирган. Муҳтарам Юртбошимизнинг ташаббуслари билан ташкил этилган Республика Байналмилал маданият маркази таркибида биринчилардан бўлиб иш бошлаган бу миллий маданият марказининг асосий вазифаси корейс халқи анъаналари, маросимларини тиклаш, уларни Ўзбекистондаги бошқа миллат вакилларига яқиндан таништириш, шунинг баробарида, халқларимизнинг маданияти, санъати, тили, урф-одатларини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратишдир. Бу саъй-ҳаракатлар, табиийки, жонажон мамлакатимизда миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаётир, равнақ топтираётир.

Виктор Николаевичнинг айтишича, уни ўзбек аёли вояга етказган экан. Бундан 75 йил муқаддам кўчириб келтирилган корейслар орасида унинг аждодлари ҳам бўлган. Шу сабаб у шу юртда, ўзбек маҳалласида дунёга келган.

— Ота-онам бир ёшга тўлмасимдан вафот этган, — дейди у биз билан суҳбатда. — Мени қўшнимиз Тўхтахон опа боқиб катта қилган. Шу боис, менга опанинг оила аъзолари қон-қариндошларимдек азиз. Корейслар юртимиздаги барча миллат ва элатлар қатори Ўзбекистоннинг истиқболига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, бугун ўзбекистонлик корейслар орасида Ўзбекистон Қаҳрамони, сенаторлар, таниқли давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан фидойилари бор.

Яқинда икки давлат ўртасидаги маданий алоқалар доирасида икки юз нафар кекса корейс ватандошимиз Кореяга сафар қилди.

**Нурилла ЧОРИЕВ**
**«Mahalla»**

ҚОНУН ВА ИЖРО

# ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗАЛАШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

**Қиш ва баҳор ойларида табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар юзага келиши хавфи ортади. Бунинг сабаби оддий. Табиатдаги ўзгаришлар — қор, ёмғир, сел, кўчки каби ҳодисалар кутилмаганда содир бўлиши ва инсонларга ташвиш келтириши мумкин.**

Бунинг учун, аввалам бор, ана шундай вазиятларга тушиб қолмаслик, мабодо қандайдир хавф юзага келганда тегишли чоралар кўриш, унинг оқибатларини бартараф этиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни юқоридаги каби вазиятларда нималарга эътибор қаратиш зарурлигини ўзида акс эттиргани билан ҳам аҳамиятлидир. Мазкур қонун ижросини таъминлаш юзасидан тоғ ва тоғолди ҳудудларида маҳаллий ҳокимлик кўмагида кўплаб ишлар амалга оширилаётир.

Хусусан, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Самарқанд вилояти бўлими, бўлинмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳам юқорида номи қайд этилган қонунда белгиланган вазифаларни бажаришга катта эътибор қаратилаётир.

Вилоятдаги мавжуд 1242 та фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан «Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун тарғиботи юзасидан 6846 та тушунтириш-тарғибот тадбирлари уюштирилиб, уларга 376 мингга яқин аҳоли жалб этилди.

Дарҳақиқат, аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш долзарб аҳамият касб этади. Ана шу ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда ўтган уч йил давомида тегишли вазирлик ва ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда фавқулодда вазиятларда муносиб ҳаракат қилишни таъминлаш бўйича вилоятда жами 3 марта ўқув-семинар ташкил этилди. Бу тадбирларга фуқаролар йиғинларининг 1249 нафар масъул ходими жалб қилинди.

— Табиат инжиқликларига қарши курашишда инсоннинг ҳамиша ҳам қўли баланд келавермайди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Самарқанд вилояти бўлими бошқаруви раиси Шавкат Жониқулов. — Бироқ уларнинг олдини олишда, оқибатларини бартараф этишда ҳамжиҳатлик, инсонпарварлик, ўзаро ёрдам каби фазилатлар қўл келиши тайин. Шу маънода табиий ва техноген хусусиятли офатдан зарар кўрган кам таъминланган фуқароларга моддий ёрдам кўрсатиш масаласига бўлим ва бўлинмаларимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилаётир.

Жумладан, Фонднинг туман, шаҳар бўлинмалари томонидан табиий офатдан жабр кўрган фуқароларга қуни-қўшнилар, қон-қариндошлар ва ҳомийларни жалб этган ҳолда 980 млн. сўм миқдордаги хайрия ёрдамлари кўрсатилди. Хусусан, 2010 йил 74 нафар фуқарога 14 700 000 сўм, 2011 йилда 106 кишига 19 500 000 сўм ҳамда ўтган йилда 91 нафар юртдошимизга 24 640 000 сўм миқдорида беғараз кўмак берилди.

Аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, ижтимоий ва маданий объектларнинг санитария ва экологик ҳолати устидан тизимли жамоатчилик назоратини амалга ошириш кун тартибидаги доимий масалалар сирасига киради. Айниқса, ижтимоий ва маданий объектларнинг санитария ва экологик ҳолати устидан жамоатчилик назорати тизимли равишда амалга оширилмоқда. Бундай тадбирларда аниқланган ҳолатлар бўйича маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда тегишли ташкилотларга 75 марта мурожаат қилинди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аҳоли ўртасида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларга, хусусан, зилзилага чидамли уй қуриш, кўчки ва сел келиш хавфи бўлган, шунингдек, сув омборлари атрофидаги ҳудудларга уй қурмаслик масалаларига бағишлаб тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилаётир. Ўтган йиллар давомида 3002 марта ана шундай тадбир ўтказилди. Муҳим жиҳати, бу тадбирларда 117564 нафар аҳоли иштироки таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг вилоят бошқармаси вакиллари билан ҳамкорликда аҳолини табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларга тайёрлаш бўйича қатор тактик-ўқув машқлари ташкил этилди. Мазкур тадбирларда 2010 йилда 641 нафар, 2011 йилда 724 нафар, ўтган йили эса, 903 нафар аҳоли қатнашди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аҳоли ҳамда ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳолати, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида, олдиндан башорат қилинаётган ва рўй берган фавқулодда вазиятлар тўғрисида кишиларга етарлича маълумот берилаётир.

Жумладан, 2010 йилда Каттақўрғон шаҳридаги У.Норов номидаги, Жомбой туманидаги «Шерқўрғон», Иштихон туманидаги «Чақар», «Чимқўрғон», Каттақўрғон туманидаги «Жизмонсой», «Янгиобод» ва «Боғот» маҳаллалари ҳудуларига сел келиш хавфи туғилгани ҳақидаги хабарлар аҳолига зудлик билан етказилди. 2011 йилда Самарқанд шаҳридаги «Истиқбол» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда Ургут туманидаги Қоратепа қишлоқ фуқаролар йиғинида кўчки хавфи кузатилди.

Ўтган йили Самарқанд шаҳридаги Истиқбол, Сўфи Розиқ, Ипак йўли, Сиёбча, Булунғур туманидаги Хўжамазгил, Каттақишлоқ, Қўшработ туманидаги Ўртасой, Навкат, Қовунчи, Қўралос, Чиноқ, Қоратош, Пайариқ туманидаги Бўри, Муҳаммади, Бошчўрош, Қорасув, Хоса, Пахтачи туманидаги Дўнг, Ўрта, Гўрўғли, Бурқут ва Тўғолон маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларида сел келиш хавфи туғилди. Бу хусусда аҳоли тезкорлик билан огоҳлантирилди. Фуқаролар йиғинлари фаоллари ана шундай ҳолатларда аҳолига тегишли йўл-йўриқлар бериб, саросимага тушмаслик борасида тушунтириш ишлари олиб бормоқда.

Бир сўз билан айтганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолини турли хавф-хатарлардан огоҳ этиш, табиий офатларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш ҳамда оқибатларини бартараф этишда жонбозлик кўрсатаётирлар.

Мана, юртимизда қиш оёқлаб, баҳорий насимлар эсаётир. Кунларнинг исиши тоғлардаги қорларни эритиб, дарё ва сойларни ўзанидан тоширади. Тоғ ва тоғолди туманларида, ҳар мавсумдагидек, сел ва кўчкилар хавф туғдириши мумкин. Қисқаси, она-табиат бизни огоҳлантирмоқда: «Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларга тайёрмисиз?»

Бу саволга ҳар биримиз вақтида жавоб беришга шай турмоғимиз лозим.

**Ф.КОМРОН.**

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

# ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР КЎМАГИ АСҚОТМОҚДА



< [1]

Миллий таом ва пишириқлар, нон ҳамда қандолат маҳсулотларини маромига етказиб тайёрлаб, элнинг назарига тушган тадбиркор Барно Ҳожиеванинг мижозлари қўшни вилоятда ҳам талайгина. Оилавий тадбиркорликни изга солиб олган қандолатчи 60 дан ортиқ пишириқ, ширинлик ва европача салатлар тайёрламоқда. Бу ишга у маҳалладаги 23 нафар ёшни ҳам жалб қилган. Ҳудуддаги бошқа қизиқувчилар учун ҳам тадбиркорнинг эшиги доимо очиқ.

— Мустаҳкам оила йилида Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тўрткўл тумани бўлими томонидан аъзоликка қабул қилиндим, — деб сўз очди Б.Ҳожиева. — Турмуш ўртоғим билан бамаслаҳат цех ташкил этдик. Айни пайтда маҳалланинг уч нафар қизини ҳам иш билан таъминладик. Маҳсулотларимиз кўпчиликка манзур. Муваффақиятларимизга туртки бераётган бир жиҳат — фуқаролар йиғини фаоллари билан доимо бамаслаҳат иш юритишимиздир. Улар кўмагида кам таъминланган оилаларга совға-саломлар улашамиз, қандолатчиликка уқуви ҳамда қизиқиши бор қиз-жувонларга ҳунар ўргатамиз. Энг қувонарлиси, мендан ҳунар ўрганиб, мустақил иш бошлаганлар кўп. Эл-юрта нафимиз тегаётгани, оилалар даромадининг кўпайиб, турмуш фаровонлиги ортишига оз бўлса-да, улуш қўшаётганимиз кўнглимни тоғдек кўтаради. Режаларим бисёр. Келгусида ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириб, маҳаллага янада кўпроқ ёрдам кўрсатишни ният қилганмиз.

Мақсадлари ойдин тадбиркор ўз маҳалласи ҳақида тўлиб-тошиб гапиради. Чунки ҳар қандай ишни бошлаш қийинчиликсиз бўлмайди. Эр-хотин қандолатпазлар ҳунарлари орқали тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлганларида цех учун иморат топа олмай бироз тушкунликка тушишгани рост. Йиғин мутасаддилари кўмагида фаолият турига мос иморат топилиб, бу муаммо ҳал этилганида уларнинг боши кўкка етди. Бугунга келиб эса, улар ўз харидорларига эга ишбилармонга айланишди. Йиғин кўмагини улар асло эсларидан чиқаришмайди.

— Халқимиз топганини дўст-ёрлари билан баҳам кўрадиган меҳмоннавоз эл, — дейди Б.Ҳожиева. — Тўй-маросим, байрам кунларига атаб торт, салатлар, пишириқларни буюртма асосида етказиб бермоқдамиз. Янги цех биносини қуришни бошлаб юбордик. Худо хоҳласа, жорий Обод турмуш йилида, Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами арафасида ишга туширишни мўлжаллаб турганимиз — янги цех аҳолининг турмуши фаровон ва обод бўлишига ҳисса қўшади, албатта.

Тадбиркорликни ривожлантириш учун ишбилармон аёл Тўрткўл деҳқон бозоридан маҳсулотларини сотиш учун мўъжаз дўкон очишни ҳам дилига туккан. Агарда бу режа амалга ошса, яна янги иш ўрни очилади.

Мухтор Отажановни ҳам «Марказобод» аҳли моҳир тунукасоз сифатида яхши билади. Қирқ йилдирки, ота касбини давом эттириб келаётган ҳунарманд мустақиллик туфайлигина мўмай даромад топа бошлади. Бугун ўғиллари Камол ва Муродга тунукадан маҳсулот тайёрлашни ўргатиш билан банд. Шу вақтга қадар уста туфайли ҳунарли бўлган, рўзғорига барака киритганлар сони 30 нафардан зиёдни ташкил қилади.

Бирор ҳунарни пухта эгаллаб, оиласида иқтисодий барқарорликни юзага келтирганлар «Марказобод»да бисёр. Уларнинг аҳоли бандлигини таъминлашга улуш қўшаётгани кишини қувонтиради. Кун сайин чирой очиб, обод ва кўркам ҳудудга айланиб бораётган маҳалла кўчаларини кезарканмиз, бу гўшада ишбилармон ва тадбиркорлар етакчи кучга айланаётганининг шоҳиди бўлдик.

Қонисбой РЕЙМОВ
«Mahalla»

МАҲАЛЛА: БУГУН ВА ЭРТАГА

# ОБОД ЮРТДАН ФАЙЗ-БАРАКА АРИМАЙДИ



< [1]

— Ўрганишлар давомида ўз хонадонини саришта тутган, озодаликка алоҳида эътибор қаратган оилалар билан бирга, уйи таъмирга муҳтож, ҳовлилари бесаранжом ва маиший чиқиндилар тўпланиб қолган, томорқалари қаровсиз айрим оилалар борлигига ҳам гувоҳ бўлдик, — дейди фуқаролар йиғини раиси Авазмурод Ниёзов. — Бизга ҳамроҳлик қилган обрўли, ҳаёт тажрибасига эга бўлган йиғин аъзолари хонадон соҳибларига насиҳат қилишиб, рўзғорга файз-барака, унум, аввало, ободлик, сариштали орқали киришини уқтиришди. Бу каби ўрганишлардан сўнг фуқаролар йиғинидаги барча аҳоли ўз ҳовли ва томорқалари, уйларига туташ кўчалар ва ариқларда ободонлаштириш ишларини жадаллаштирдилар. Ҳудуд аҳолисининг ободликка интилишлари натижасида йиғин гузари ҳашар йўли билан таъмирланди. Кўзни қувонтирувчи янги савдо ва маиший хизмат бинолари қад ростлади.

Насим Шаропов чет элда ишлаб келгач, раис ва профилактика инспектори у билан суҳбатлашди. Мулоқот чоғида аён бўлдики, Насим мусофирликда анча қийналган, ярим йил давомида оғир меҳнат қилган бўлса-да, тузукроқ дастмоя билан қайтмаган экан.

Шунда раис Насимнинг қарийб бир йилдан буён кетмон тегмаган томорқасига ишора қилиб: «Агар шу ерда деҳқончилик қилсанг, олти сотих жойдан камида уч тонна картошка, рўзғорга сабзи-пиёзу бошқа маҳсулотлар, такрорий экиндан эса мол озуқаси олардинг», деди.

Насим бу гал мум тишлади...

— Ана кўрдингми, олдингда шундай хазина турса-ю, сен иш излаб хорижга кетсанг... Бу томонда рўзғор, томорқанг хароб, икки кўзинг орқада. Чет элдаги меҳнатингни шу томорқангда қилганингда икки-уч баробар ортиқ даромад олардинг. Оилангдан ҳам узоқлашмасдинг...

— Раиснинг ўгитларидан сўнг томорқамда анча меҳнат қилдим, ер ағдардим, ўғит солдим — дейди Насим. — Мевали дарахтларни бутаб, оқладим. Агар шу йил томорқадан яхши ҳосил олсам, кейинги йил иссиқхона барпо этаман. Чамалаб кўрсам, шу мўъжаз томорқадан ҳам миллион-миллион сўм даромад қилса буларкан.

Айтиш жоизки, ҳудуддаги ҳамкорлик ишлари доирасида кам таъминланган оилалар, чет элда сарсон-саргардон бўлиб, ўз юртига қайтган аҳоли билан ишлаш борасида ҳам сезиларли натижаларга эришилмоқда. Чунончи, ўтган қисқа фурсатда чет элдан қайтган 80 нафарга яқин киши билан профилактика ишлари олиб борилиб, улар муносиб иш билан таъминланди. Масалан, Камол Шодиев туман ободонлаштириш бўлимида, Ҳикматилло Назаров, Бобур Ботиров «Пахтасаноат» ОАЖнинг ҳудудий бўлимларида фаолият юритмоқда.

— Аҳолининг муносиб иш билан таъминланиши бизнинг фаолиятимиз самарадорлигида ҳам муҳим аҳамият касб этади, — дейди ҳудуд профилактика инспектори Турсун Холиқов. — Негаки, иш ўрнига эга киши рўзғорини тебратади, хонадонига барака киради, турмуши обод бўлади. Фаровон ҳаёт кечираётган, обод турмуш қурган оила эса доимо шукроналик ҳисси билан яшаб, яратиш, яшнатиш йўлида ҳаракат қилади. Бундай соғлом муҳит қарор топган оилада келишмовчилик, жиноятга мойиллик ҳолатлари кузатилмайди. Шу боис, биз учун жиноятчиликнинг сабабларини бартараф этиш, ҳар бир кишининг кўнгил ободлигига эришиш муҳимроқдир.

Пешку қишлоқ фуқаролар йиғини, у ерда амалга оширилаётган ободончилик ишлари мисолида кўрдикки, халқимизнинг бир неча минг йиллик тарихи мобайнида энг эзгу фазилатлардан бири сифатида қадр топиб келган «ободлик» тушунчаси миллий маънавий-маданий ҳаётимизнинг ажралмас қисмларидан бири экан.

Дарҳақиқат, обод юртда файз-барака бўлади, одамлар ўртасида меҳр-оқибат мустаҳкамланиб, илм-маърифат, маданият ривожланади, турмуш фаровон бўлади. Обод юртнинг одамлари эзгуликка интилиб яшайди.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

БОҒЛАР — КОНИ ХАЗИНА

# ДОНАСИДАН ДАРОМАДИ КЎП



**Мевасида «тож» борлиги, серсув доналарининг шифобахш хусусиятлари боис, анорни мевалар шоҳи дейишади. Зеро, анор фойдали элементлардан калций, магний, калий, марганец, натрий каби минералларга бой.**

Қолаверса, анор пўстлоғидан тортиб, дарахт-бутанинг томиригача шифобахш хусусиятга эга. Азалдан халқ тиббиётида анор атеросклероз, хафақон, ошқозон-ичак ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади. Шунинг билан бирга, анор асаб тизимини мустаҳкамлашда муҳим восита. Замонавий тиббиётда умумқувват берувчи малҳам, косметологияда гўзаллаштирувчи восита ҳисобланади.

Анорнинг қизиқ хусусиятларидан бири — у ҳамма жойда ҳам ўсавермайди. Сархил анор етиштириш учун табиий иқлим шароитлари зарур.

Сурхондарёнинг Шеробод туманида етиштириладиган анор ўзига хос таъми, сифати билан бошқа турдошларидан фарқланади. Ҳатто меванинг йириклиги, донаси бир ярим килограммдан зиёд тош босиши ҳам бор гап. Шеробод туманидаги Акмал Икромов номли маҳаллада 644 та хонадон мавжуд. Ушбу хонадонлар томорқаларида анор кўчатлари парваришланади. Айни пайтда ҳам улар анор кўчатларига шакл бериш, озиқлантириш, парваришлаш каби юмушлар билан банд. Анордан мўл ҳосил олиш, зарур агротехник тадбирларни ўз вақтида қўллаш каби юмушларда йиғин раиси Шавкат Чориев, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Муқаддас Зиёева, масъул котиб Қурбоной Чориева ҳамда посбон Наби Алиев яқиндан кўмак беришяпти.

Тажрибали боғбон Абдулсодиқ Турдиев ҳам шу маҳалладан. Унинг узоқ йиллик меҳнатлари натижаси ўлароқ, анор етиштиришнинг ўзига хос технологияси яратилди. У аввалига шахсий томорқасида анорзор барпо этди, шифобахш меванинг афзалликлари, сердаромадлиги боис хийлагина заҳматли парваришдан чўчимади. Қаровсиз ётган тошлоқ ерни ўзлаштириб боғ яратди.

— Жаннатмакон диёримизнинг ҳар қарич ери муқаддас. Қарангки, гиёҳ битмайди, деб қаровсиз қолдирилган ерга озроқ ишлов берилса бас, айни мўъжизага гувоҳ бўласиз, — дейди уста боғбон. — Етиштираётган меваларимизни дарахт танаси, шох ва барглар қуёшнинг жазирамасидан асрайди. Жуда бўлмаса, қуёш энг қиздирган пайт меваларни битталаб қоғоз билан ўраб чиқиш керак. Шундай қилинса, мева апрелгача бегард сақланади. Аксарият кишилар, баҳор охирларига қадар тубидан энди узилгандек сақланган меваларни кўриб, қандай сири бор, деб сўрашади. Гувоҳи бўлганингиздек, бунда ғайриоддийлик йўқ.

А.Турдиев қўллайдиган оддий тадбирлар мева ҳосилдорлигига ҳам катта таъсир кўрсатади. У 8 гектар ердан ўтган йили 100 тоннадан зиёд ҳосил кўтарди. Миришкорнинг ҳар туп анори ўртача 50 килограммдан мева берди.

Боғбоннинг таъкидлашича, анор етиштиришда майда кўринган нарсаларга ҳам эътибор бериш керак.

— Жумладан, кўчат баланд ўсиши учун танасидаги кераксиз шохларни бутаб, шакл берамиз. Зеро, дарахт танасининг бор қуввати шохларга эмас, балки мевасига сарфланиши лозим.

Ўтган мавсум ҳосилдорлик йили бўлди. Лекин шерободлик миришкорлар бу билан чегараланмоқчи эмас. Айниқса, қаҳрамонимиз жорий йилда янги унумдор усулларни қўллашни режалаштирган.

Қиш заҳри ҳали кетмаган анорзорда иш қизғин. Чунки жорий йилги ҳосилдорликни ошириш бутун вақтида амалга ошириладиган озиқлантириш, сув таратиш каби агротехник тадбирларга боғлиқ. Шеробод анорзорларида етиштириладиган ҳосил ўтган йилда ўн минг тоннадан ошди. Мўмай даромаддан рўзғорига барака кирган боғбонлар бу йилги ҳосил чўғининг янада баланд бўлиши учун тер тўкаётирлар.

Зулфия КАТТАЕВА,
журналист.

«MAHALLA» ДИАЛОГИ

# МАҚСАД АНИҚ, РЕЖА ПУХТА БЎЛСА БАС

**Фарғонадаги Аҳмад ал-Фарғоний номли маҳаллада умргузаронлик қилаётган Азнагул Қурмашев аждодларимиз амалий меросини қайта тиклаб, ривожлантириб келаётган тадбиркорлардан.**

Маҳаллий хомашёлар асосида ишбилармонликни йўлга қўйиб, эл эҳтиёжини қондириб келаётган А.Қурмашевнинг иши бир қарашда жуда оддий. У маҳаллий хомашёлардан буюмлар тўқийди. Шу боис, унга ҳавас қилиб фаолият йўналишини аниқлаштириб олганлар бисёр. Сердаромад тармоқда муваффақият қозонаётган тўқувчи билан суҳбатимиз ҳунардан фойдаланиш йўл-йўриқлари хусусида бўлди.

— Дастлаб оиламиз, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар учун ангор эчкиси, қўй ва туя жунларидан турли буюмлар тўқиган бўлсак, жорий йилда ишимизни кенгайтирдик. Ҳозир тўқимачиликни саноат усулида амалга ошириб, ўндан ортиқ маҳсулот тайёрлаяпмиз. Иш кўламини оширишимизда «Ҳунарманд» уюшмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими катта ёрдам кўрсатди.

**— Маҳсулотларингиз харидоргирлигининг сабаби, қолаверса, турдошларидан фарқли жиҳатлари нимада?**

— Маҳаллий хомашё асосида тайёрланаётгани сабабли маҳсулотларимиз пишиқ-пухта, саломатлик учун фойдали. Туя ва эчки жунидан тўқилган табиий маҳсулотлар суяк ва бўғим касалликларининг олдини олиш ҳамда даволашда қўл келади. Ота-боболаримиз қишда бундай буюмлардан кўп фойдаланишгани боиси ҳам шунда. Тадбиркорлигимизни йўлга қўяётганда ана шу омилларни ҳисобга олдик.

**— Тўқувчилик маҳсулотлари тайёрланиш жараёни қандай кечади?**

— Битта жун рўмолни тўқишга икки-уч кун вақт керак. Хомашёга ишлов бериш, йигириш, бўяш, тўқиш кишидан қунт, ҳафсала талаб этади. Бу босқичларни ўзимиз амалга ошираётганимиз маҳсулотларимиз нархининг ҳамёнбоплигини таъминлаётир. Мижозлар талаб ва истаклари асосида турли ўлчам ва кўринишлардаги камзул, ёпқич, пайпоқ, қалпоқчалар тайёрлаяпмиз. Замонавий тўқув дастгоҳлари харид қилиш ниятимиз амалга ошса, фаолиятимиз анча кенгайиб, маҳалладошлар учун яна қўшимча иш ўринлари ҳам очилади. Барча саъй-ҳаракатларимиз қўшимча иш ўринлари яратиш, ёшларни касбга йўналтиришга хизмат қилмоқда. Ўн нафар ёшга ҳунар сирларини ўргатяпмиз, уйда ўтирган аёлларни касаначилик асосида иш билан таъминладик.

**— Тадбиркорлик сизга нима берди?**

— Аввало, кўзланган мақсадимизни рўёбга чиқариш имконини туғдирди. Меҳнатимиз ортидан қадрландик. Ўтган йиллар мобайнида турли кўрик-танлов ҳамда кўргазмалар, «Асрлар садоси» анъанавий фестивалида маҳсулотларимиз билан иштирок этиб, совриндор бўлдик. Муҳими, халқимизнинг миллий ҳунармандчилик анъаналари сайқал топди. Айни кунда бошлаган ишимизнинг давомчилари кўп.

Ишончим комилки, аждодларимиздан мерос бу ҳунар янгиликлар билан бойиб бораверади, кенг турдаги маҳсулотлар танлови харидорлар фойдасига, бозор механизмлари ҳаракатчанлигига ҳисса қўшаверади. Муҳими, тадбиркорнинг мақсади аниқ, режаси пухта бўлса, кифоя.

Расул КАМОЛ
«Mahalla»




РЕКЛАМА ЎРНИДА

# ТАДБИРКОР ТАШАББУСИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

**Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатининг фаоллашгани, янги ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга туширилаётгани қишлоқ аҳолисининг дастурхони тўкинлигини таъминламоқда. Бундай юксалишларда «Агробанк» Андижон вилояти бошқармаси таркибига кирувчи филиалларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.**

Аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсадида ўтган йили якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда кичик бизнес субъектларига 36 миллиард 107 миллион сўм тижорат кредитлари ажратилди. Қишлоқ жойларидаги юқори инновацион лойиҳалар молиялаштирилди. Натижада 3791 та янги иш ўрни яратилди.

Оила мустаҳкам бўлиши учун, аввало, моддий етишмовчиликни бартараф этиш зарур. Ватан тинчлиги, юрт тараққиёти ҳам оилалардаги тотувлик, қут-баракага боғлиқ. Буни яхши англаган банк мутасаддилари Мустаҳкам оила йилида «Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш» давлат дастури бўйича ажратилган, қарийб 1 млрд. сўмга яқин кредит маблағларини ана шу эзгу мақсадларга йўналтиришди.

Сир эмаски, ҳозирги пайтда дунё ҳамжамиятини озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги ташвишга солмоқда. Мамлакатимизда эса бундай салбий ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олиш борасида муайян чора-тадбирлар белгиланган. Янги боғ ва экин майдонларини кенгайтириш, аҳолининг томорқа ерларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш ана шулар сирасидан.

Фахр билан айтиш жоизки, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида катта ўзгаришлар юз берди. Соҳага оид қонунлар, фармон ҳамда қарорларнинг қабул қилиниши аграр секторни янада ривожлантиришга кенг йўл очди. «Агробанк» томонидан махсус ишчи гуруҳлари тузилиб, банк терминаллари билан таъминланган автомашиналарда аҳоли учун уруғ ва кўчатлар, минерал ўғитлар етказиб бериляпти. Шунингдек, зарур ҳолларда аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб микрокредитлар ажратилмоқда. Бу имкониятлардан унумли фойдаланаётган боболеҳқонларимиз нафақат рўзғори, балки бозорларимизни ҳам сархил мева, сабзавотлар билан тўлдиришмоқда.

Халқимиз бир қарич ердан ҳам унумли фойдаланишни билади. Айниқса, Андижонда меҳнаткаш, тадбиркор ва янгилик яратишга қодир инсонлар жуда кўп. Вилоятда боғдорчиликнинг ҳадисини олган уста боғбонларнинг сердаромад интенсив боғлар ташкил этишида ҳам банк мутасаддилари камарбаста. Шу мақсадда Халқаро Тараққиёт уюшмаси маблағлари ҳисобидан ўн битта фермер хўжалиги жами 470 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағлари билан таъминланди. Мазкур боғларнинг аксариятидаги кўчатлар ўзининг илк мевасини бера бошлади.

Президентимизнинг «Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан банкнинг шаҳар ва туман филиаллари томонидан жами 5 миллиард 756 миллион сўм миқдорида тадбиркорларга кредитлар берилди.

Дарвоқе, интилувчан, ишини севадиган, ҳар сония янгилик яратиш умидида изланаётган тадбиркор инсонларсиз тараққиётга эришиш мушкул. Санжарбек Қобулов ҳам ана шундай ташаббускорлардан. У банк бошқармасининг Қорасув филиали мижози. Черепица ишлаб чиқариш дастгоҳи ва хомашё сотиб олиш учун 3 йил муддатга 30 миллион сўм тижорат кредитига эга бўлди. Ушбу кредит ҳисобидан 3 та янги иш ўрни яратилди.

Шаҳрихон туманидаги Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Алижоновлар келажаги» фермер хўжалиги аъзолари ҳам насл-ли қорамоллар сотиб олиш учун «Агробанк»нинг Шаҳрихон филиалига мурожаат қилишганди. Банк жамоаси мурожаатни кўриб чиқиб, хўжаликка 2 йил муддатга 100 миллион сўм кредит ажратди. Хўжалик раҳбари Отабек Алижоновнинг узоқни кўриб иш юритиши натижасида 8 та янги иш ўрни яратилди.



Банк жамоаси фақат шулар билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Банк томонидан яратилган қулай ва ихчам пластик карточкалар тизими юртдошларимизнинг оғирини енгил қилаётир. 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, шаҳар ва туман филиаллари томонидан мижозлар ўртасида жойлаштирилган пластик карточкалар сони 165 минг 655 тага етди. Савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуалари ва шохобчаларига ўрнатилган терминаллар сони 1 646 тани ташкил этди. Шунингдек, банк филиалларида аҳолининг коммунал тўловлар, маҳсулот ва хизматлар учун тўловлари ҳам қабул қилинмоқда. Юртбошимизнинг «Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини тижорат банкларидаги депозитларига жалб этишни янада рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш мақсадида ҳам кенг тарғибот ишлари олиб боріляпти. Бугунги кунда банк томонидан мижозларга 20 га яқин омонатлар таклиф этилиб, оилавий даромадларини оширишларига имконият яратилмоқда.

Банк жамоаси Обод турмуш йилида ҳам юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлида самарали фаолият кўрсатиб, тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган юртдошларимизга молиявий кўмак беришни мақсад қилган.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«Mahalla»

РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК

# ТИББИЙ КЎРИК ҚАТЪИЙ ҚОИДА ВА ОДАТГА АЙЛАНГАН



**Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар самараси ўлароқ, аҳолининг тиббий маданиятини оширишда сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Хусусан, аксарият ёшлар тўйдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамиятини теран англаб етган.**

— Натижада турли яширин касалликларни аниқлаш ва даволаш имконияти янада ортмоқда, — дейди Косон тумани марказий шифохонаси бўлим бошлиғи Нодира Боймуродова. — Бундан ташқари, ажримларнинг кескин камайишида, ногирон, касалманд фарзандлар дунёга келишининг олдини олишда ҳам ушбу тадбир муҳим аҳамият касб этаётир.

Бугунги кунда ҳар бир маҳаллада ойига икки марта хотин-қизлар маслаҳатхонаси шифокорлари, туман ФҲДЁ бўлими, прокуратура, ички ишлар ходимлари, «Камолот» ЁИҲ туман кенгаши вакиллари, имом-хатиблар иштирокида учрашув ва йиғилишлар ташкил этилаётир. Уларда никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти, эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг оқибатлари, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик сингари иллатларнинг салбий таъсири ҳақида тушунтириш берилмоқда.

Маҳалла ҳудудида жойлашган педагогика-иқтисодиёт коллежида «Ҳаётга тайёрмисан, қизгина» клуби фаолият юритади. Педагогик жамоа билан бирга шифокорлар, психологлар, маҳалладаги нуроний онахонлар, ибратли келинлар ҳам клуб машғулотларида иштирок этиб, ҳаётий тажрибалари асосида маслаҳатлар беришади. Бундан ташқари, ҳар бир маҳаллада «Ота-оналар университети» ҳам ташкил этилган бўлиб, ўсмир йигитлар ва уларнинг оталари билан суҳбатлар уюштириб борилади.

Вилоятда «Тенгдош тенгдошга» номли лойиҳа асосида иш олиб борилаётгани яхши самара бермоқда. Бу лойиҳа ҳар бир маҳаллада, мактабда, касб-ҳунар коллежларида йўлга қўйиляпти. Унга кўра, мактабнинг 8-, 9-синф ҳамда коллеж ўқувчиларининг ўзларидан, маҳаллада эса 20 ёшгача бўлган ёшларнинг орасидан мураббийлар тайёрланади. Танлаб олинган мураббийларга мутахассислар машғулотлар ўтишади. Уларга репродуктив саломатлик, соғлом турмуш тарзи, соғлом она — соғлом бола, хусусан, шахсий гигиена, балоғат ёши, эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий жиҳатлари, тўйдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти, ОИТС, турли тери-таносил касалликлари тўғрисида батафсил маълумотлар берилади. Етарли малакага эга ёшлар билганларини, эшитганларини тенгдошларига ўргатишади.

Аниқланишича, мутахассисга нисбатан тенгдош тенгдошнинг гапини тез қабул қилар экан. Бугун ҳар бир маҳалла, мактаб ва коллежларда ана шундай мураббийларнинг фаолияти йўлга қўйилган. Бу ҳам ўзининг ижобий натижасини беряпти.

— Баъзан, ўзимга ишонаман, менда касаллик йўқ, деб тиббий кўрикдан ўтишни хоҳламайдиган келин-куёвлар ҳам учрайди. Аммо уларга кўрикнинг аҳамиятини ётиғи билан тушунтирамиз. Тиббий кўрик туфайли тери-таносил касалликлари кескин камайди. Ёшларимиз соғлом турмуш тарзига амал қилишаётганидан, тушунтиришларимиз бесамар кетмаётганидан хурсандмиз, — дейди Н.Боймуродова.

Хуллас, ана шундай чора-тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари туфайли аҳолининг тиббий маданияти юксаляпти. Туманнинг энг чекка қишлоқларида жойлашган «Раймсўфи», «Алачабоб», «Арабхона» каби маҳаллалар аҳолиси ҳам бугун яхши яшашга интилиб, соғлом турмуш маданиятига амал қилишга ҳаракат қилишаётир. Ўз вақтида шифокор кўригидан ўтиб туриш билан бирга соғлиқларига, тозаликка, овқатланиш меъёрларига амал қилишга одатланишган. Тўйдан олдин келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказиш қатъий қоида, қолаверса, одатга айланиб бормоқда.

Санобар БОЙМУРОДОВА
«Mahalla»




## Қутираётган қор бўрони

**Илгари шимоли-шарқий штатларда кузатилган қор бўронлари эндиликда АҚШнинг ўрта ғарбига ёпирилган.**



«CBS News»нинг хабар беришича, кучли қор, муз ёмғири ҳамда қор аралаш ёмғир Колорадо, Иллинойс, Миссури, Канзас, Арканзас, Небраска ва Айова штатларида қайд этилган. Айрим ҳудудларда қорнинг қалинлиги 40 сантиметрни ташкил қилмоқда.

Ноқулай об-ҳаво боис мактаб ўқувчилари дарслардан озод этилди. Бир қатор штатлардаги давлат муассасалари вақтинча ёпилган. Магистралларда автомобиллар ҳаракати қийинлашган. Ҳукумат аҳолини иложи борича уйдан чиқмасликка чақирмоқда. Кўплаб авиарейслар бекор қилинди.

Метеорологларнинг маълумотига кўра, бундай ёғингарчилик шимолий Каролинага қадар бориб етади. Эслатиб ўтамиз, АҚШнинг шимоли-шарқида кузатилган шунга ўхшаш қор бўронлари 15 кишининг умрига зомин бўлганди.

## Миср сайловлар арафасида

**Миср қуйи палатасига сайловлар жорий йилнинг 28 апрелида ўтказилади.**



«РИА Новости»нинг хабар беришича, сайловлар тўрт босқичдан иборат бўлади.

Ўтган йилнинг охирида қабул қилинган мамлакат конституциясида вакиллар палатасига сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тадбирлар Бош Қомус кучга кирганидан сўнг 60 кундан кечиктирилмай эълон қилиниши зарурлиги белгиланганди.

## Велосипедга ўрнатилган...

**Ҳиндистон жанубидаги Ҳайдаробод шаҳрида содир этилган икки террорчилик ҳаракати оқибатида 20 киши ҳалок бўлган, 82 киши жароҳатланган.**



Бу ҳақида «France-Presse» агентлиги маҳаллий полицияга таяниб хабар тарқатди. Портлашлар Андхра-Прадеш штатининг маъмурий марказида, Ғарбнинг йирик ахборот телекоммуникация компаниялари офиси жойлашган ерда амалга оширилган.

Гувоҳларнинг сўзларига кўра, дастлабки портловчи қурилма томошабинлар чиқаётган кинотеатр эшиги олдида, иккинчиси эса автобус бекати яқинида ишга туширилган.

Қурилмалар кўчада қолдириб кетилган велосипедларга ўрнатилган бўлган.

## Алвидо, маймоқвой!

**Швецарияда биологик турига кўра мамлакатда ягона саналган ёввойи айиқ ўлдирилди.**



«Swissinfo.ch»нинг хабарига кўра, уч ёшли маймоқвой ҳукумат қарори асосида йўқ қилинган. Бундай қарорга ҳайвоннинг одамлар ҳаётига хавф сола бошлагани сабаб бўлган.

Гап шундаки, айиқни аҳоли яшайдиган ҳудудда тез-тез кўришган. Ҳатто жонивор кузда дала ҳовлилардан бирига кириб, у ердан анча нарсани кўтариб кетган. Тахминан ўн кунлар илгари у қишки уйқудан уйғониб, яна аҳоли пунктларида пайдо бўлганди.

Илгари жониворни одамлардан қўрқишга ундаб кўришган. Бироқ айиқ бундай уринишларга парво қилмай, турар-жойлар яқинида тентирайверган.

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛ

## Фарзанд асраб олмоқчимисиз?

Савол: — *Баъзилар сўққабошлик бола асраб олишда қийинчилик туғдиради, дейишмоқда. Айтинг-чи, фарзандликка олишга кимлар ҳақли ҳамда бола билан уни асраб олувчи ўртасидаги ёш қандай бўлиши керак?*

Сурайё МИРЗАЕВА.
Паркент тумани.



Жавоб: — Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида мустаҳкамлаб қўйилганидек, фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларини кўзлаб йўл қўйилади. Вояга етган эркак ёки аёл фарзанд асраб олиши мумкин. Қуйидаги шахслар эса бундан мустасно: ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар, қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган, деб топилганлар, асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар, қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар.

Фарзандликка олувчи билан бола ўртасидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги керак. Демак, сиз бола асраб олиш ҳуқуқига эгасиз. Бу жараён сизнинг аризангизга биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилади.

## Шартнома қандай тузилади?

Савол: — *Икки хонали квартирамни ижарага бермоқчи эдим. Қонуний йўл билан ижарачи қўйишим учун аренда шартномаси қай тартибда тузилади? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.*

Комил ШЕРМАТОВ.
Тошкент шаҳри.



Жавоб: — Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексида назарда тутилганидек, турар-жой арендаси шартномаси ёзма шаклда тузилади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобга олинади. Бундай шартнома қуйидагиларни ўз ичига олиши керак. Аввало, турар-жойни арендага бериш тартиби ва унинг қиймати, турар-жой арендасининг муддатлари, арендага бериш шартлари, ижара миқдори ва уни тўлаш муддатлари, арендага берилаётган турар-жойнинг, муҳандислик қурилмаларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар талаб этилади. Қолаверса, шартномадан арендага берилган турар-жойга қараш, хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш бўйича тарафларнинг мажбуриятлари, шартлари, тартиби ҳамда ҳар иккала томоннинг жавобгарлиги ҳам ўрин олиши керак.

Бундан ташқари, турар-жой арендаси шартномасига тарафларнинг келишуви бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

И.ДАМИНОВ,
ҳуқуқшунос.

НАМУНАЛИ ОИЛА

# ИБРАТ ВА ҲИММАТ КЎРСАТИБ

**«Энг намунали оила» кўрик-танловининг ҳудудий республика босқичида ғолиб чиққан Эрматовлар оиласининг маҳалла-кўй ва қўни-қўшнилар орасида ҳурмати баланд.**

Бахмал туманининг Ўрой қишлоғидаги тўй-маъракалар ушбу оила бошлиғи Тоҳир Эрматовсиз ўтмайди. Эл кайвонисининг катта-кичик маъракалар бошида туришига қишлоқ аҳли кўникиб қолган.

— Ҳар бир оиланинг ўзи бир кичик мамлакат гўё, — дейди Т.Эрматов. — Шунинг учун оилавий тадбирларни қандай ўтказиш, аввало, оиланинг ихтиёрида. Қишлоқ оқсоқолининг, фаолларининг вазифаси эса маъракани тартибли, тинч-осойишта, хонадон эгасининг кўнглидагидай ўтказишига кўмаклашишдан иборат. Шунинг учун тўй-маъракамизми, бошқа тадбирлар бўладими ҳар бир оиланинг ўз истаги, шароити, имкониятини ҳисобга оламиз. Чунки элга ҳурмат ҳар бир одамга, унинг оиласига ҳурматдан бошланади.

Тоҳир ака Эрматов узоқ йиллар тумандаги қурилиш ташкилотларида меҳнат қилди. Ҳалол меҳнати туфайли мукофотларга, эл-юртнинг ҳурмат-эътиборига эришди. Турмуш ўртоғи Анор опа билан 45 йил биргаликдаги ҳаётлари давомида турмушнинг барча синовларидан ўтиб, ўзларининг оилавий қўрғонларини мустаҳкамлаб минглаб оилаларга ибрат кўрсатишди, ўқимишли, касб-ҳунарли, одобли фарзандларни вояга етказишди. Тўнғич ўғиллари Ҳусан — журналист, Хадича — педагог, Насриддин Тошкент давлат иқтисодиёт университетида таҳсил олиб, шу даргоҳда ишлаётир. Ғуломжон, Илҳомжон, Одилжонлар тадбиркорлик соҳаларида, банк муассасаларида ишлашмоқда.

Тоҳир ака ва Анор опа — эндиликда фақат ўз фарзандларининг эмас, қишлоқ аҳлининг, айниқса, ёш оилаларнинг яқин маслаҳатгўйи, оғир-енгил кунларида кўмакдоши. Тоҳир ака Оқтош қишлоқ фуқаролар йиғини фаоли сифатида тўй-маъракаларни тартибли, ихчам, тежамли ўтказишга бош-қош. Анор опа қишлоқ қизларига, ёш келинчакларга одобу ҳунар, уй тутиш, пазандалик сирларини ўргатаётир. Айниқса, Наврўз байрами яқинлашиб келаётган шу кунларда ҳар иккаласининг ҳам юмуши кўпайган. Ахир, оиланинг тотувлиги, аҳиллиги, ёш келин-қизларнинг пазандалигию уқуви ва тадбиркорлиги шу байрамда синовдан ўтади-да.

Бек НАЗАР.

БИР ҲОВУЧ ДУР

## Инсон қадри меҳнат билан ўлчанади

*Бугуннинг чорасини кўриб, эртага эҳтиёжи қолмаган киши ақллидир.*
Абу Райҳон БЕРУНИЙ

*Айрим ишларнинг аҳамияти уларнинг ҳажмида эмас, балки ўз вақтида амалга оширилганига ҳам боғлиқ.*
Луций Анней СЕНЕКА

*Доимо олға интилиш — инсон табиатининг асоси.*
Блез ПАСКАЛ

*Инсон қадри унинг меҳнати билан ўлчанади.*
Марк АВРЕЛИЙ

*Пулга эгалик қилиш тер тўкишни, пулни сақлаш доноликни, пулни ишлатиш санъатни талаб этади.*
Бертолд АУЭРБАХ

*Бошоқдан нонгача бўлган йўл анча машаққатли ва олисдир.*
Авл ГЕЛЛИЙ

*Ҳар бир ишнинг бошланиши шу ишнинг деярли ярми бажарилгани билан баробардир.*
АРАСТУ

*Истакнинг ўзи етарли эмас, ҳаракат қилиш керак.*
Иоганн ГЁТЕ

АВТОПОЙГА

## Жиззахлик спортчилар ғолиб

**Жиззах шаҳридаги Наврўзбулоқ трассасида Обод турмуш йилига бағишланган автопойга бўйича республика кубоги мусобақаси якунланди.**



Унда Жиззах техник ва амалий спорт турлари маркази автоспортчилари энг яхши натижага эришдилар. Мезбонлар барча турдаги автомобиллар пойгасида энг кўп очко жамғариб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни ва республика кубогини қўлга киритди. Самарқанд вилояти жамоаси иккинчи, Тошкент бирлашган техника мактаби спортчилари учинчи ўринни эгаллади.

Шахсий ҳисобда Жиззах техник ва амалий спорт турлари маркази вакиллари Ғайрат Одилов «Багги», Фурқат Аҳрорқулов «А-7» русумли автомобиллар пойгасида биринчиликни олди. Қолган икки тур мусобақаларида асосий ўринлар «Нексия» автомашиналари бўйича тошкентлик Игорь Газиянц ва «А-8» русумли автомобиллар бўйича самарқандлик Суҳбат Обиджоновга насиб этди.

ЎзА.

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ

# ОЛОВ «ЖИЛОВ»ГА ОЛИНСА...

**Табиий газ ҳар томонлама қулай. Бироқ ундан фойдаланишда шунчаки эътиборсизликка йўл қўйиш катта ташвишларни, ҳатто фожиаларни келтириб чиқариши мумкин.**

Уйни иситиб турадиган, таом пиширишда қўл келадиган олов тилсиз ёвга айланиб кетмаслиги учун ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари доимо курашиб келишаётир. Мазкур хизмат ходимлари маҳаллаларда аҳоли билан учрашиб, олов «жилов»дан чиққанида қандай оқибатларга олиб келиши, у билан боғлиқ офатларнинг олдини олиш учун нималарга риоя қилиш лозимлиги ҳақида тушунчалар беришаётир.

Аммо олиб борилаётган тарғибот ишларига қарамай, газдан ҳамма жойда ҳам оқилона фойдаланилмоқда, деб бўлмайди. Хусусан, табиий газдан носоз ускуналар ҳамда резина ичак орқали уланиб фойдаланиш, оловни назоратсиз қолдириш турли кўнгилсиз воқеаларни келтириб чиқармоқда.

Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги Қуйи Бешкент қишлоғида яшовчи Муҳиддинов уйининг ошхонасидаги маиший газ балонга уланган 4 комфоркали газ плитасининг жўмраги очиқ қолди. Ошхонага йиғилган газ ҳидини сезмай гугурт ёқилгани оқибатида хонада портлаш содир бўлиб, уй эгасининг қизи куйишдан жароҳатланди.

Ғузор тумани «Тинчлик» маҳалласида яшовчи фуқаро Саидов хонадонида ҳам газ билан боғлиқ кўнгилсизлик юз берди. «Нексия» автомобилининг юкхонасига ўрнатилган 50 литр ҳажмли пропан газ баллонига 27 литр ҳажмли маиший газ балонидаги пропан газини қўлбола усулда резина ичак орқали қуйиш вақтида чақнаш содир бўлди. Оқибатда 4 нафар фуқаро турли даражада тан жароҳатини олди. Бундан ташқари, дарвозахона томининг 18 кв. метр қисми, уй жиҳозлари ҳамда автомобиль ёнди.

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан республика ҳудудида жойлашган аҳоли турар-жойлари ва кўпқаватли уйларда содир бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари, уй-жой мулкдорлари ширкати, газ ва электр идоралари ходимлари, профилактика инспекторлари, маҳалла посбонларидан иборат 692 та гуруҳ тузилди. Мазкур гуруҳлар томонидан бугунги кунга қадар 1 млн. 244 мингта якка тартибдаги аҳоли турар-жойлари ва 16 минг 641 та кўпқаватли уйларнинг ёнғинга қарши ҳолати ўрганилди.



Текширувлар давомида 13 мингдан ортиқ носоз мўри, 10 минг 700 дан зиёд тегишли стандартларга мос келмайдиган резина ичак ҳамда 969 та электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолати аниқланди. 4 минг 600 дан зиёд газ сўриш мосламаси олдириб ташланди. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузган айрим фуқароларнинг газ мосламаларидан фойдаланиши вақтинча тўхтатилди, уларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Юртдошларимиз хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган газ ва электр асбобларидан фойдаланиш қоидаларини яхши ўзлаштириб олишлари лозим. Йўқса, ёнғин билан боғлиқ муаммолар келиб чиқиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, йиллар давомида барпо этган уй-жойларимиз, топган мол-мулкимиз саноқли дақиқаларда аланга ичида йўқ бўлиб кетишининг олдини олиш ўз қўлимизда.

Улуғбек ВАФОЕВ,
Ички ишлар вазирлиги
Ёнғин хавфсизлиги бош
бошқармаси муҳандиси,
капитан.

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий ва маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-10-73
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-39-89

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Ю.Ҳожиева
Нашр навбатчиси: Б.Ҳалимов
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

23841 нусхада чоп этилди. Буюртма J-6505 Топшириш вақти — 21.30 Топширилди — 23.00